

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

430 Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1307-3

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда) 45-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 1307, 2004 йил 2 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 5-сон, 58-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 15 июль,
01-02/20-18-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил
15 июлдаги 01-02/20-18-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган
шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2, 6, 17, 18 ва 23-бандлардаги «унинг вазифасини» деган сўзлар «унинг ўринбосари — смена бошлиғи ёхуд уларнинг вазифасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қонун ҳужжатларини бузиш объектлари ҳисобланувчи товарларни ўз ёнида яшираётган ва кўрсатмаяпти деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, божхона органи мансабдор шахси божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари — смена бошлиғи ёхуд уларнинг вазифасини бажарувчи шахсни мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган шаклда билдирги орқали хабардор қилади.»;

иккинчи — бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Жисмоний шахсни кўздан кечириш тўғрисида божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари — смена бошлиғи ёхуд уларнинг вазифасини бажарувчи шахс мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган шаклда ёзма қарор қабул қилади. Шахсни кўздан кечириш шакли божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари — смена бошлиғи ёхуд уларнинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан шахсни кўздан кечиришни тезлаштириш мақсадида аниқ шароитлар — вақт, кун, масофанинг узоқ ёки яқинлигига қараб белгиланади. Қарорда шахсни кўздан кечириш топширилган божхона органи мансабдор шахси аниқ кўрсатилиши шарт.».

4. 7-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Вояга етмаган ва ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган жисмоний шахсларни кўздан кечириш уларнинг бир жинсдаги вакиллари ёки ҳамроҳлик қилувчи шахслар иштирокида амалга оширилади.

Вакил ёки ҳамроҳлик қилувчи шахслар бир жинсда бўлмаган тақдирда, кўздан кечириш уларнинг талаблари асосида бир жинсдаги вакил ёки ҳамроҳлик қилувчи шахслар келгунга ёхуд бир жинсдаги холис йўловчилардан бирини танлагунга қадар тўхтатиб турилади.».

5. 11-бандда:

а) «а» кичик банднинг бешинчи хатбошисидаги «унинг вазифасини» деган сўзлар «унинг ўринбосари — смена бошлиғи ёхуд уларнинг вазифасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) «в» кичик банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Йўриқномага илова

қилинган» деган сўзлар «Йўриқноманинг 3-илоvasида келтирилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 20-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«20. Шахс кўздан кечириш ҳақидаги қарор билан таништирилгач, кўздан кечириш хонасига олиб кирилади ҳамда холислар иштирокида ушбу Йўриқноманинг 16-бандида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ, равон ҳамда тушунтиришлар бериш йўли орқали ўқиб эшиттирилади.

Шахс, кўздан кечириш жараёни бошланишидан аввал унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўқиб эшиттирилганлигини кўздан кечириш баённомасининг бошида имзо қўйиш йўли билан тасдиқлайди.»

7. 25-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«25. Шахсни кўздан кечириш божхона органининг ушбу тадбир ўтказишга мўлжалланган ва махсус жиҳозланган хонасида ўтказилади. Қоида тариқасида ушбу хонада стол, стул, кийим — бош илиш мосламаси ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт қутичаси бўлиши лозим. Шахсни кўздан кечириш ёпик, тозалик қоидаларига мос биноларда, жумладан божхона постларида, аэропорт, вокзал ва бошқа ташкилотларнинг берк хоналарида амалга оширилади.»

8. 41-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«41. Шахсни кўздан кечириш ниҳоясига етгандан сўнг божхона органи мансабдор шахси томонидан белгиланган тартибда шахсни кўздан кечириш ҳақида баённома тузилади. Баённоманинг асл нусхаси божхона постидаги йиғма жилдда сақланади, ксеронусхаси эса кўздан кечирилган шахсга (вакил, ҳамроҳлик қилувчига) берилиши шарт. Агар шахс баённоманинг ксеронусхасини олишдан бош тортса, асл нусханинг тегишли қисмига божхона органи масъул ходими тегишли маълумотни киритиб, имзо қўяди.»

9. 42-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «унинг вазифасини» деган сўзлар «унинг ўринбосари — смена бошлиғи ёхуд уларнинг вазифасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«кўздан кечириладиган шахснинг (вояга етмаган ва ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган шахсларнинг вакили, ҳамроҳлик қилувчиси ёки кўздан кечириш жараёнида вакил, ҳамроҳлик қилувчи сифатида иштирок этаётган шахснинг) фуқаролиги, фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ҳужжатларидаги маълумотлар;».

10. 47-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Журнал белгиланган тартибда тикилган, рақамланган ва ҳудудий божхона бошқармасининг муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим.»

11. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-илоvasига мувофиқ тахрирдаги 1 ва 2-иловалар билан тўлдирилсин.

12. Йўриқноманинг иловаси мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-илоvasига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
божхона чегарасида ўтаётган шахсларни
кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартириш
ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси
божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни
кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
1-ИЛОВА

«_____» чегара божхона пости
бошлиғи (ўринбосари — смена бошлиғи),
божхона хизмати _____
(махсус унвони)

_____га
(исми ва фамилияси)

Б И Л Д И Р Г И

Сиздан 20__ йил «___» _____ куни _____ дан
(йил) (кун) (ой) (давлат номи)

_____ га ўтиш учун «_____» чегара божхона постига кириб
(давлат номи) (пост номи)

келган _____ фуқароси _____
(давлат номи) (шахснинг Ф.И.О.)

_____ ни

- фуқароларнинг хабарлари ёки аризалари;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларидан тушган материаллар;
- хорижий давлатларнинг божхона ва бошқа органлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг маълумотлари;
- Ўзбекистон Республикасининг божхона органларидан келган ахборотларда мавжуд бўлган тегишли маълумотлар;
- божхона чегараси орқали олиб ўтилиши тақиқланган ашёлар яшири-лаётгани ва божхона назоратига тақдим этилмаётганлиги тўғрисида гумон қилинишига тўғридан-тўғри ёки билвосита ишора қилувчи аломатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 45-моддасига мувофиқ шахсий кўриқдан ўтказишга рухсат беришингизни сўрайман.

«_____» чегара божхона
пости _____ инспектори,
(лавозими)

божхона хизмати _____ _____
(махсус унвони) (исми ва фамилияси)

Ўзбекистон Республикаси
божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни
кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқ-
номага
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан
ўтаётган шахсни кўздан кечириш ҳақида
ҚАРОР**

_____ -сон

20__ йил «__» _____
(кун) (ой) (худуд номи)

Мен, _____ чегара божхона
(вилоят божхона органи ва чегара божхона пости номи)
пости бошлиғи (ўринбосари-смена бошлиғи), божхона хизмати _____
(махсус унвони)
_____, пост _____ инспектори _____ НИНГ
(исми ва фамилияси) (лавозими) (исми ва фамилияси)
билдиргиси билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

20__ йил «__» _____ куни _____ дан _____ га ўтиш
(йил) (кун) (ой) (давлат номи) (давлат номи)
учун «_____» чегара божхона постига кириб келган _____
(пост номи) (давлат номи)
фуқароси _____ ўзи томонидан
(шахсий кўриқдан ўтказилиши режалаштирилаётган шахснинг Ф.И.О.)

Т-6 божхона декларациясининг тегишли бандларини тўлдириб, божхона хо-
димига тақдим этиб, инспектор томонидан ўтказилган оғзаки савол-жавобда
Т-6 шаклидаги декларацияда кўрсатилган товарлардан ташқари бошқа то-
варлар йўқлигини маълум қилгандан сўнг, пост инспектори Т-6 божхона дек-
ларациясига имзо қўйиб, шахсий муҳри билан тасдиқлаган.

Бироқ, пост _____ инспектори божхона хизмати _____
(лавозими) (махсус унвони, исми ва фамилияси)

20__ йил «__» _____ да билдирги билан _____ га
(кун) (ой) (шахсни кўздан кечириш асоси)

асосан ушбу фуқаро ўзида олиб ўтилиши тақиқланган ашёлар яшираётган-
лигида ва уларни божхона назоратига тақдим этмаётганлигида гумонланаёт-
ганлигини билдирган.

Кўрсатиб ўтилганларни инобатга олиб, фуқаро _____ ни
шахсий кўриқдан ўтказиш ва ёнидаги ашёларни кўздан кечириш лозим деб
ҳисоблайман.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 289-моддасини ва Божхона кодексининг 45-моддасини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Фуқаро _____ шахсий кўриқдан ўтказилсин.

2. Шахсий кўриқдан ўтказиш жараёни бошланишидан аввал унга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ, равон ҳамда тушунтиришлар бериш йўли орқали ўқиб эшиттирилсин.

3. Фуқарони шахсий кўриқдан ўтказиш пост _____ инспек-
(лавозими)
тори _____ зиммасига юклансин.
(исми ва фамилияси)

«_____» чегара

божхона пости бошлиғи

(ўринбосари — смена бошлиғи),

божхона хизмати

(махсус унвони)

(исми ва фамилияси)».

Ўзбекистон Республикаси божхона
чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан
кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси божхона
чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан
кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси божхона органининг
ШАХСНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ
БАЁННОМАСИ**

201__ йил «__» _____
(йил) (кун) (ой) _____
(хулуд номи)

Мен _____ шахсни кўздан кечириш ҳақидаги
(кўздан кечирилаётган шахс Ф.И.О.)

_____ божхона пост бошлигининг (ўринбосари — смена бошлиғи)
қарори ва Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан
кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 1307, 2004 йил
2 февраль) 16-бандида санаб ўтилган қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларим билан тўлиқ,
равон ҳамда тушунтиришлар бериш йўли орқали ўқиб эшиттирилдим.

**Кўздан кечирилаётган шахс божхона органи мансабдор шахсининг қонуний
талабларини бажариши шарт.**

Кўздан кечириш ўтказилаётган шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- | | |
|---|--|
| 1) божхона органи мансабдор шахсидан кўздан кечириш ҳақидаги қарорни кўрсатилишини талаб қилиш; | 6) шахсни кўздан кечириш натижаси бўйича тўлдирилган баённома билан танишиш, унинг мазмуни бўйича ўз эътирозларини билдириш; |
| 2) ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан танишиш; | 7) кўздан кечириш жараёнида ҳимоячи қатнашишини талаб қилиш ва ҳимоячи хизматидан фойдаланиш; |
| 3) ўз эътирози ёки норозилигини ёзма ёки оғзаки маълум қилиш; | 8) шахсни кўздан кечириш чоғида қўлланилган хатти-ҳаракатлар юзасидан ҳамда кўздан кечирган шахс ва бошқа иштирокчилар устидан шикоят қилиш. |
| 4) тушунтириш ва тавсифлар бериш; | |
| 5) таржимон хизматидан фойдаланиш; | |

Ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўқиб эшиттириш бўйича эътирозлар: _____

_____ (кўздан кечирилаётган шахсининг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Шахсни кўздан кечириш соат _____ да бошланди.

Мен, _____
(шахсни кўздан кечирган ва баённома тузган божхона органи мансабдор шахсининг лавозими, унвони, Ф.И.О., божхона органи номи)
қуйидаги баённомани Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 45-моддаси ва

_____ (божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари — смена бошлиғи ёхуд уларнинг вазифасини бажарувчи

_____ шахсининг лавозими, унвони ҳамда исми ва фамилияси)

_____ нинг 20__ йил «__» _____ даги _____ -сон қарорига асосан туздим.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Шахс куйидаги асосга кўра кўздан кечирилди:

фуқароларнинг хабарлари ёки аризалари;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларидан тушган материаллар;

хорижий давлатларнинг божхона ва бошқа органлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг маълумотлари;

Ўзбекистон Республикасининг божхона органларидан келган ахборотларда мавжуд бўлган тегишли маълумотлар;

божхона чегараси орқали олиб ўтилиши тақиқланган ашёлар яширилаётгани ва божхона назоратига тақдим этилмаётганлиги тўғрисида гумон қилинишига тўғридан-тўғри ёки билвосита ишора қилувчи аломатлар.

Шахсни кўздан кечиришда фуқаро _____

(фуқаролиги, Ф.И.О., тутилган жойи ва куни,

_____ (воёга етмаган ва ўзгаларнинг парваришига муҳтож шахслар бўлганда уларнинг вакиллари ва ҳамроҳлик қилувчилари

_____ ҳақидаги маълумот ҳам кўрсатилади), чегарани кесиб ўтишига рухсат берувчи паспорт ёки бошқа

_____ (ҳужжат рақами, кўздан кечириш ўтказилган жой)

қаердан келмоқда _____

(қайси давлатдан)

қаерга кетмоқда _____

(қайси давлатга)

_____ (сафардан кўзланган мақсад, рейс, поезд, автомашина рақами)

Шахсни кўздан кечиришда иштирок этган шахслар:

I. Кўздан кечирилаётган шахснинг вакили (ҳамроҳлик қилувчиси):

1. _____

(Ф.И.О., паспорт маълумотлари)

II. Холислар: 1. _____

(исми, фамилияси, иш жойи ва лавозими, яшаш жойи)

2. _____

(исми, фамилияси, иш жойи ва лавозими, яшаш жойи)

III. Ҳимоячи, мутахассис ва таржимон:

1. Ҳимоячи _____

(исми, фамилияси, иш жойи ва лавозими, яшаш жойи)

2. Мутахассис _____

(исми, фамилияси, иш жойи ва лавозими, яшаш жойи)

3. Таржимон _____

(исми, фамилияси, иш жойи ва лавозими, яшаш жойи)

Кўздан кечиришда иштирок этаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 1307, 2004 йил 2 февраль) 12 — 15-бандларида кўрсатиб ўтилган уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.

Фуқаро _____ га божхона назоратидан кўрсатилмаган ашёларни

(Ф.И.О.)

(валюта, қимматбаҳо буюмлар ва шу кабиларни) ўз ихтиёри билан топшириш таклиф этилди.

Фуқаро _____ ўзи билан

(Ф.И.О.)

(кўрсатилган бўлса уларнинг алоҳида жиҳатлари, сони, қаерда турганини/

_____ маълум қилди.

_____ (назоратга тақдим этилмаган бошқа ашёлари йўқлигини)

1. _____ 2. _____ 3. _____ 4. _____ 5. _____ 6. _____ 7. _____
 (шахснинг вакили) (холис) (холис) (мутахассис) (ҳимоячи) (таржимон) (божхона ходими)
 (шахсий кўриқда иштирок этган шахсларнинг тасдиқловчи имзолари)

Шахсни кўздан кечириш натижасида фуқаро _____ да
 (Ф.И.О.)

божхона назоратига тақдим этилмаган _____
 (қандай ашёлар, ашёларнинг баҳоси, уларнинг хусусий

_____ жиҳатлари, сони, қаерда сақлангани, уларни топишда

_____ қандай техник воситалардан фойдалангани ҳақида)

_____ ашёлар аниқланди (аниқланмади).

Кўздан кечирилган шахснинг эътирозлари: _____

Кўздан кечиришда иштирок этаётган шахсларнинг алоҳида фикрлари: _____
 (шахсларнинг

_____ фикрлари, эътирозлари ва шикоятлари)

Сўхбат фуқаро эркин сўзлаша оладиган _____ тилда олиб борилди.

Баённома _____
 (таржимоннинг исми, фамилияси, иш жойи ва яшаш жойи)

_____ томонидан фуқаро эркин сўзлашадиган тилга таржима қилинди.

Шахсни кўздан кечириш соат _____ да тамомланди.

Шахсни кўздан кечиришда иштирок этган шахслар:

Кўздан кечирилган шахс: _____ (имзо) _____ (исми ва фамилияси)

Кўздан кечириладиган шахснинг вакили (ҳамроҳлик қилувчиси) _____ (имзо) _____ (исми ва фамилияси)

Холислар: 1. _____ (имзо) _____ (исми ва фамилияси)

2. _____ (имзо) _____ (исми ва фамилияси)

Мутахассис: _____ (имзо) _____ (исми ва фамилияси)

Ҳимоячи: _____ (имзо) _____ (исми ва фамилияси)

Шахсни кўздан кечиришни ўтказган божхона ходими _____ (имзо) _____ (исми ва фамилияси)

Баённоманинг ксеронухасини олдим:

_____ (кўздан кечирилган шахснинг (вакилнинг, ҳамроҳлик қилувчининг) Ф.И.О., имзо)

_____ (шахсий кўриқдан баённомани олишдан бош тортилганда божхона ходими томонидан бу ҳақда ёзиб, имзо қўйилади)».